

ВЕНЧУР КАПИТАЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ТАҲЛИЛИ

ХЎЖАҚУЛОВ Ҳасан Худойкул ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти



<https://doi.org/10.24412/2181-2993-2023-2-4-10>

АННОТАЦИЯ

Бу мақолада венчур капиталнинг афзаллиги, функциялари ва ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан тадқиқ қилинди. Унинг мамлакатимиз қитисодиётидаги аҳамияти ва бу борадаги давлат дастурлари ўрганилди.

Калит сўзлар: Венчур капитали, венчур инвестиция, инновация, давлат дастурлари

АННОТАЦИЯ

В данной статье теоретически исследованы преимущества, функции и характеристики венчурного капитала. Изучено его значение в экономике нашей страны и государственные программы в связи с этим.

Ключевые слова: Венчурный капитал, венчурное инвестирование, инновации, государственные программы..

КИРИШ

Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда бевосита Президентимиз томонидан демократик ва ҳуқуқий жамият қуриш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси белгилаб берилган бўлиб, тараққиётнинг ўзига хос стратегияси ишлаб чиқилди. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида эркинлаштириш, таркибий қайта қуриш ва модернизациялашга йўналтирилган туб ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Мамлакатимиз Президенти ўз маърузалари ва фармонларида миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва уни янгидан саноатлаштириш, уни инновацияли ривожлантириш йўлига ўтказиш вазифаларини илгари сурмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Мазкур вазирлик томонидан инновацион иқтисодиётга ўтиш учун зарур бўлган институционал ва меъёрий-ҳуқуқий асосларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришга йўналтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш Стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланадиган

давлат харажатларини кўпайтириш ва 2021 йилга қадар бу кўрсаткични ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 0,8 фоизига етказиш белгиланган. Шунингдек мамлакат иқтисодиётининг модернизация қилиниши муносабати билан юқори технологияларга асосланган фаолият соҳалари ва инновацион лойиҳаларни ривожлантириш учун қўшимча молиявий ресурсларига эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, капитал оқимини таъминлашга қодир инновацияларни молиялаштиришнинг асосий манбаи венчур инвестициялари ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар венчур капиталидан инновацияларни молиялаштириш воситаси сифатида фойдаланиб самарали натижаларга эришган. Тан олиб айтиш лозимки, Ўзбекистон учун венчур капитали орқали молиялаштириш синалмаган соҳа ҳисобланади. Мамлакатда фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга тўсқинлик қилувчи бир қатор тизимли муаммолар мавжудлиги уларнинг ечими бўйича ҳукумат томонидан бир қатор қарор ва фармонларининг ишлаб чиқилишига олиб келди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сон фармони, “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 майдаги ПҚ-3697-сонли қарорининг, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли фармонига асосан 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси қабул қилиниши, Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилиши мазкур йўналишдаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, Ўзбекистон инновацион иқтисодиётини ривожлантиришда венчур капиталидан фойдаланиш амалиётининг афзалликларини ўрганиш, таҳлил қилиш, венчур молиялаш самарадорлигини ошириш усулларини тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга масалалардан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Айтиш лозимки, венчур капиталига аниқ бир ёндашув, унинг фойда олиш учун тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган венчур капиталининг пул шаклидаги қиймати ифодасининг ўсишини кўрсатувчи таъриф 20-асрнинг

машхур иқтисодчилари бўлган Ж.М.Кейнс ва Ж.Р.Хикс¹ каби тадқиқотчиларнинг изланишларида ўз ифодасини топган. Й.В. Вранович ва О.Й. Мичуриналар ўз тадқиқотларида венчур капиталини иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг муҳим атрибути сифатида эътироф этишган². М.А. Федотов ўз ишида венчур молиялаштиришни инновацион ривожланишнинг асосий омили сифатида таърифлаган. Ўзбекистонлик олимлар О.М. Абдуллаев, А.А. Фаттахов, К.Ахмедовлар ўз ишларида венчурли капитални фирманинг инновацион фаолиятини тижорат асосида молиялаштиришнинг манбаларидан бири сифатида қарашган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Венчур капиталини ривожлантиришни рағбатлантириш масаласига бағишланган ушбу мақолада венчур капитали тушунчасини ва унинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш, қиёслаш, индукция ва дедукция усулларидадан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Бугунги иқтисодиёт тараққиётнинг ўзига хос хусусияти инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик ва ўрта бизнес корхоналари ролини янада ошириш ҳисобланади. Мазкур категориядаги муваффақиятли корхоналар сонини фаол ошириш учун уларни пайдо бўлиши ва ривожланишининг илк босқичларида молиялаштириш муҳим ҳисобланади. Инновацион фаол корхоналар ривожланишининг илк босқичларида молиялаштириш учун юқори рискли инструмент ҳисобланади. Шу боис бундай корхоналарга молиялаштиришнинг анъанавий шакллари қўлланилмайди. Инновацион корхоналарни молиялаштиришнинг анъанавий шаклларида хос бўлган чекловлар венчур капитали каби инновацион шакл ёрдамида олиб ташланади.

Олиб борилган изланишлар натижасида айтиш мумкинки, венчур капитали бу – ривожланаётган инновацион компаниялар ривожининг турли босқичларида бир вақтнинг ўзида бошқарувида иштирок этган ҳолда устав капиталига киритиладиган узоқ муддатли инвестицияларнинг анъанавий-инновацион шаклидир. Бу компаниялар юқори рискли, лекин потенциал юқори даромад келтирувчи компаниялар ҳисобланади. “Венчур” атамаси инглизча

¹ Keynes J.M. Alternative Theories of the Rate of Interest//Economic Journal. – 1937. – June; Ж. Р. Хикс Стоимость и капитал. –М.: Изд.группа «Прогресс», 1993. - 488 с.

² Вранович Е.В., Мичурина О.Ю. Венчурный капитал в инновационном развитии эконимики//Актуальные проблемы экономики и права. – 2013. - №4(28). –С. 113-118.

venture сўзидан олинган бўлиб, “рискли корхона ёки ташаббус” деган маънони беради³.

Венчур капиталининг асосий функцияларидан биз унинг инновацион ва инвестицион функцияларини иқтисодий инновацион ривожлантиришда таъсир кўрсатувчи омил сифатида қарашимиз мумкин. Венчур капитали иқтисодий инновацион трансформациялашуви омил сифатида намоён бўлади, инновацион ва иш фаоллигини жадаллаштиришга ёрдам беради, шунингдек инновацион трансформациялашув орқали иқтисодий ўсишни таъминлайди. Венчур капитали юқори технологияли янги инновацион компаниялар фаолиятини молиялаштириш учун мўлжалланган. Венчур капитали юқори рискли инвестициялар шакли сифатида бундай компанияларнинг фаол ривожланиши, ўсиши ва шаклланишига ёрдам беради. Венчур инвестициянинг пировард мақсади лойиҳа муваффақиятли амалга ошган тақдирда фойда олиш ҳисобланади.

Венчур капитали тушунчасининг ажралмас таркибий қисми риск ҳисобланади. Риск венчур маблағлардан кутиладиган даромад билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Венчур капиталисти инновацион лойиҳани молиялаштиришда ўзига қанча кўп рискни олса, унинг муваффақиятли амалга ошиши натижасида шунча кўп даромад олишни кутади.

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда венчур капиталининг ўзига хос хусусияти “юқори риск – юқори даромад” тамойили ҳисобланади. Бу уни банк орқали молиялаштириш ва стратегик молиялаштиришдан фарқлайди.

Венчур капиталининг молиялаштиришнинг бошқа турларидан асосий фарқлари:

1. Венчур молиялаштиришда капитал қўювчилар киритилган инвестициялар йўқотиш имкониятини ва лойиҳа муваффақиятли амалга ошган тақдирда даромаднинг юқори нормасини олдиндан баҳолайдилар.

2. Венчур молиялаштиришда капитални ўртача уч йилдан беш йилгача ва ундан ортиқ вақтга узоқ муддатли молиялаштириш кўзда тутилади.

3. Молиялаштиришнинг кредит шаклидан фарқли равишда венчур капитали лойиҳага устав капиталига бадал кўринишида инвестицияланади.

4. Венчур капиталисти стратегик шеригидан фарқли равишда компания акциялари назорат пакетининг эгаси бўлишни назарда тутмайди.

5. Венчур капиталисти лойиҳанинг муваффақиятли амалга ошишидан шахсан манфаатдор. Шунинг учун у лойиҳа ривожланиши самарадорлигини

³ М.А. Федотов. Венчурное инвестирование как основополагающий фактор инновационного развития.// - Век глобализации, 2010. – С. 139.

ошириш учун тез- тез турли хил маслаҳат, бошқарув ва бошқа хизматларни кўрсатади.

Ўзбекистонда венчур сармоясини ривожлантириш куйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши мумкин:

1. Қулай инвестиция муҳитини яратиш;
2. Венчур сармояси оқиб келишини рағбатлантириш учун қонунчилик базасини яратиш;
3. Венчур инвестиция фондини ташкил этиш;
4. Сармоядорлар учун хатарни пасайтириш, солиқ имтиёзларининг тегишли тизими орқали технологияга инвестициялар киритишга йўналтирилган венчур фондларини ташкил этишни рағбатлантириш;
5. Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини ривожлантириш;
6. Солиқ солишнинг имтиёзли шароитлари, қарзлар схемалари (биринчи харид қилиш ҳуқуқи), ахборот ва маслаҳат хизматларига эга бўлган янги юқори технологик лойиҳаларни яратиш ташаббусини амалга ошириш⁴.

Шу талаблар асосида юртимизда ҳам молиявий муносабатларнинг тўлиқ инновацион шакллари жорий этиш бўйича бир қанча шароитлар ва қонунчилик базаси шаклланимоқда. Хусусан, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, 2030 йилга келиб Ўзбекистонни Глобал инновацион индекс рейтингда жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш ҳамда инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишланмаларга давлат ҳамда хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш белгиланган.

Ўзбекистонда инновацион лойиҳалар ва стартап-экотизимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инновацион инфратузилмани ривожлантириш жараёнини жадаллаштиришни изчил давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 ноябрь куни “UzVC” миллий венчур фонди фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 684-сонли қарори қабул қилинди.

Қайд этиш лозимки, венчур молиялаштириш жаҳон тажрибасида кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини молиялаштиришнинг энг мақбул ва самарали усулларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам “UzVC” миллий

⁴ Д.Ф. Ғозибеков Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари.//Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация 08.00.07.-Молия, пул муаммоси ва кредит. –Т.: 2002. Ўзбекистон Республикаси банк молия академияси. Б.18-19.

венчур фондининг ташкил этилгани тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнес юритиш учун янада қулай муҳит яратишга хизмат қилади. Ушбу қарорга мувофиқ, “UzVC” миллий венчур фондининг бошланғич устав капитали 15 миллиард сўм миқдориди белгиланди. Фондининг бошланғич устав капитали 2020 йил Ўзбекистон Республикаси бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади ва Фондининг устав капиталидаги 100 фоиз улуши Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига берилади.

Шу билан бир қаторда, қарорда фонд юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан шерикликда венчур лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида венчур фонди муассиси бўлиши мумкинлиги, фонд бошқарувига малакали ва халқаро тажрибага эга чет эл фуқаролари жалб этилиши белгиланган. Ўз навбатида, фонд фаолиятини амалга ошириш учун шаффоф, рақобатбардош ва танлов муҳити асосида устав капиталида давлат улуши бўлмаган мустақил хусусий бошқарув компаниясини белгиланган тартибда танлаб олинади ва шартнома асосида бошқарувга берилади. Бу қарорнинг энг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, марказлашган манбалар ҳисобидан венчур лойиҳаларни молиялаштириш учун фондга ажратилган ресурсларга тенг миқдорда хусусий сектор маблағларини жалб қилиш бошқарув компаниясини танлашнинг асосий шартларидан бири этиб белгиланди. Бу эса мамлакатимизда инновацион фаолиятни молиялаштиришда хусусий сектор иштирокини ҳам ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 ноябрдаги “UzVC” миллий венчур фонди фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бугунги кундаги кучли глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида жаҳон бозорларида айнан арзон ва сифатли бўлган юқори технологияли-инновацион товар ва хизматларга бўлган талаб ошиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, айнан инновацион фаолиятни венчур молиялаштириш мамлакатимиз иқтисодиётини янги босқичга кўтарди.

ХУЛОСА.

Ушбу тадқиқот бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

Республикада венчур сармояси фондларини яратиш манбалари тўғрисида юқорида билдирилган фикрларга яқун ясаб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Иқтисодиёт ривожининг инновация йўлини танлаган мамлакатимиз учун венчур бизнесини яратиш ва унинг фаолият юритиши технологик ривожланишнинг устувор йўналишларини танлаш, устуворли молиялаш

йўналишларини белгилаш; инновацион лойиҳалаштириш учун интеллектуал ва ахборот инфратузилмасини барпо этиш; инсон ресурсларидан инновация соҳасида максимал даражада фойдаланиш имконини берувчи инновация менежментини ривожлантириш учун шароитлар яратиш, инновация соҳасининг қонунчилик базасини янгилаш, айниқса солиқ солиш соҳасида; инновация секторини ажратган ҳолда ва тугалланган энг самарали тадқиқот лойиҳаларини қидириб топиш орқали илмий соҳани таркибий ўзгартириш имконини беради. Шундай қилиб, инновация лойиҳаларини молиялаш манбаси сифатида венчур бизнесини ривожлантириш, назаримизда, кичик инновацион тадбиркорлик соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Gompers, Paul, and Josh Lerner. 2001. "The Venture Capital Revolution." *Journal of Economic Perspectives*, 15 (2): 145-168. DOI: 10.1257/jep.15.2.145
2. Keynes J.M. *Alternative Theories of the Rate of Interest//Economical Journal*. – 1937. – June
3. Абдуллаев О.М., Фаттахов А.А., К.Ахмедов. Рақамли иқтисодиёт. – Т.: "LESSON PRESS" нашриёти 2020 йил. -686 бет. Ўқув қўлланма. Б. 518, 520-521, 530-531, 624-625.
4. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари.//Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация 08.00.07.-Молия, пул муаммоси ва кредит. –Т.: 2002. Ўзбекистон Республикаси банк молия академияси. Б.18-19.
5. Дж. Р. Хикс *Стоимость и капитал*. –М.: Изд.группа «Прогресс», 1993. -488 с.
6. М.А. Федотов [HTML] *Венчурное инвестирование как основополагающий фактор инновационного развития.// - Век глобализации, 2010 - cyberleninka.ru.* (дата обращения 25.04.2020 г.)
7. Ю.П. Аммосов *Венчурный капитализм: от истоков до современности*. СПб.: РАВИ, 2004. – 372 с.